

ABOUT SPEECH STRATEGY AND SPEECH TACTICS

Karimova Feruzakhon,

Uzbek Academy of Sciences Uzbek language, literature and folklore
researcher at the institute, in philological sciences
Doctor of Philosophy (PhD)

Abstract: The article discusses the management of the meeting process and speech strategy and tactics.

Keywords: Pragma linguistics, communicative purpose, dialogue, illocutionary force, speech strategy.

НУТҚИЙ СТРАТЕГИЯ ВА НУТҚИЙ ТАКТИКА ҲАҚИДА

Каримова Ферузахон,

ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институти илмий ходими,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори(PhD)

Аннотация: Мақолада мулоқот жараёнини бошқариш ҳамда нутқий стратегия ва тактика ҳақида мулоҳазалар баён этилган.

Калит сўзлар: прагматингвистика, коммуникатив мақсад, диалог, иллокутив куч, нутқий стратегия.

Систем-структур тилшуносликнинг Прага лингвистик тўғарагида маърузалар ўқиган венгер тилшуноси Ф.Кифер прагматика соҳасининг пресупозиция масаласи билан шуғулланган. Унинг пресупозицияга бағишланган ишида *контекстуал эркин* ва *контекстуал тобе* маъно ҳақида фикр юритилади ва уларнинг қуйидагича фарқи келтирилади: синтактик шакл ва лексик бирликлар орқали англашиладиган маъно контекстуал эркин маъно, контекст билан шартланган маъно эса контекстуал тобе (боғлиқ) маънодир.¹ Прагматиканинг нутқий мулоқот мавзусига бағишланган ишларидаги нутқий вазият, контекстга доир қарашлар Кифер назариялари таъсирида ҳам ривожланган дейишимиз мумкин.

Диалогик тадқиқотлар нутқий вазият ва контекст таҳлилисиз ҳеч қачон тўла ва мукамал бўлмайди. Шунингдек, мулоқот илмида яна «коммуникатив мақсад» тушунчаси ҳам кўп қўлланилади. Коммуникатив мақсад «...сўзловчининг коммуникатив ниятини, яъни шу гапдан ифодаланган объектив мазмун элементларининг аҳамиятлилик даражасини белгилашни (актуал бўлакларга ажратиш) ҳамда дарак, сўрок, буйруқ ифодалашни, иккинчидан, пресупозиция ахборотини ўз ичига олади. Шундай қилиб, тил бирлиги сифатида гап семантикасига фақат номинатив план – пропозиция плани оидир. Коммуникатив план эса жумла семантикасининг, демак, нутқ семантикасининг предметидир».²

Сўнгги йилларда нутқий мулоқотнинг ўрганилишида коммуникатив мақсад тушунчасидан ташқари «коммуникатив стратегия», «коммуникатив тактика», «коммуникатив саботаж» каби терминларнинг қўлланилишини учратамиз. Мазкур терминлар диалогик муҳит учун жуда қулай

¹Кифер Ф. О роли прагматики в лингвистическом описании // Новое в зарубежной лингвистике. Лингвистическая прагматика. – Вып. XVI. – М.: Прогресс, 1985. – С. 333.

²Нурмонов А., Махмудов Н, Ахмедов А, Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 94.

бўлиб, унда суҳбатдошлар ўз нутқий мулоқоти орқали керакли мақсадни амалга оширишда фойдаланадилар. Маълумки, *стратегия* ва *тактика* атамалари дастлаб ҳарбий соҳада қўлланувчи тушунчага нисбатан ишлатилган. Мазкур атаманинг фалсафий талқини ҳам бунга гувоҳлик беради. В.Алимасовнинг «Стратегема-фикрлаш ва энгиш илми» номли мақоласида стратегемаларнинг *қувлик, ҳийла, найранг, алдаш, чалғитиш* деб тушунилиши қайд этилади. Муаллиф ёзади: «Аммо ушбу илк этимологик маъно (*лашкар, қўшин; эргаштираман, бошқараман* маънолари кўзда тутилмоқда) ҳозир трансформацияга учраган, яъни стратегемага инсон ақлу идроки, фаолияти билан боғлиқ барча соҳаларга тааллуқли воқелик сифатида қаралмоқда».³ Шунинг учун ҳам тил илмига оид тадқиқотларда ҳам мазкур атамаларга тез-тез мурожаат қилинаётганини кузатамиз.

Ҳар бир тилнинг вазифаси жамият ва ундаги инсонларнинг маънавий эҳтиёжлари билан чамбарчас боғланган бўлади. Мулоқот иштирокчиларининг ўз фикрини тингловчига етказишда, унга таъсир этишда, ўз ментал актини содир этишда бир неча усул ва йўллари қидириши табиий жараён дир. Нутқий акт мавзуси билан шуғулланиб келаётган олим М.Ҳакимов «коммуникатив тактика – сўзловчининг фикр ифодалаш усули»⁴ дея таъриф беради. Рус олимаси Т.М.Николаева фикрича эса, «коммуникатив саботаж» ва «лингвистик демагогия» тушунчалари бир-бирига яқин.⁵ Олиманинг тадқиқотида «коммуникатив саботаж» оммавий тарздаги онгни бошқариш усули сифатида қўлланилади. О.С.Иссерс талқинига кўра эса: «Нутқий стратегия - бу коммуникатив мақсадга эришишга йўналтирилган ҳаракатлар мажмуидир»⁶. «Нутқий тактика» термини остида эса бир неча усуллар жамламасидаги маълум таркиб, яъни нутқий стратегиянинг бир қисми тушунилади. Таъкидлаш лозимки, мазкур терминлар остида ўрганилаётган ҳодисаларда сўзловчининг коммуникатив мақсадини рўёбга чиқариш усул ва воситаларигина эмас, балки ўзига хос суҳбатдошнинг рақиб нутқий ва ментал босимидан ҳимоялаш усули сифатидаги қарашларга ҳам дуч келамиз.⁷ Бундай қарашлар ўз асосига эгаллиги билан нутқий мулоқот жараёнида тадқиқотчиларни мазкур ҳодисаларни ўрганишга ундайди, деган фикрдамиз. «Ментал акт ёки ментал ҳолат сўзловчи назарда тутган иллокутив акт маъноси тингловчи тасавури билан ўзаро мувофиқ келишидир».⁸

Ўзбек тилидаги диалогларда нутқий стратегияларнинг миллий руҳдаги ўзбекона кўриниши тарикасида қуйидаги диалогни келтириш ўринлидир.

– *Фузулий яхши китоб, – деди Кумуш, – мен ҳам ёлғиз қолган кезларимда бу китобдан бошимни ололмас эдим, сизамми?*

– *Отабек гарансиб қолган, ўзини овутмоқчи бўлган бу олийжаноб гўзалга нима дейишни билмас, қаердан сўз бошлашқа ҳайрон эди:*

– *Ким йиғлатди сизни?*

– *Йиглабманми?*

– *Кўзингиз, кипракингиз...*

– *Ўзи шунақа...*

– *Йиғлатган мен эмасми?*

– *Китобни нега ёпдингиз? Очиб ўқунг, мен эшитай.*

– *Ота-она ризолигини бир томчи кўз ёшингизга арзитдимми?*

– *Мен рози, мен кўндим, – деди дафъатан Кумуш, бу сўзни нимадан дир қўрққандек шошиб айтди.*

(А.Қодирий. Ўткан кунлар).

Мазкур диалогда Кумушнинг Отабекнинг уйланишига ўз розилигини эҳтиёткорлик билан ифодалаш усулидан маълумки, Отабек кутган ноқулай нутқий мулоқот юзага келмади, аксинча, тинч ҳолатдаги розилик мазмунининг яширин тасдиқ ишораси (*Фузулий яхши китоб... Китобни нега ёпдингиз? Очиб ўқунг, мен эшитай*) ўзига хос нутқий тактика билан баён этилди. Ушбу диалогда

³ Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати. – Тошкент: Noshir, 2008. – Б. 55.

⁴ Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б. 155.

⁵ Николаева Т.М. Лингвистическая демагогия // Прагматика и проблемы интенциональности. – М., 1988. – С. 154-165.

⁶ Иссерс О.С. Коммуникативные стратегии и тактика русской речи. – М.: ЛКИ, 2008. – С. 54.

⁷ <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=19084278>. Андреева В.Ю. Коммуникативный саботаж в бытовом дискурсе.

⁸ Ҳакимов М. Прагмалингвистик тадқиқотлар тарихи. – Фарғона, 2020. – Б. 130.

қўлланилган мохирона нутқий ҳаракат – тактика диалогнинг бошланишидаги низоли ҳолатдан сўзловчини ҳам, тингловчини ҳам қутқариб қолган. Шунга кўра мазкур қўлланган усулни ҳимоялаш усули сифатидаги тактика деб баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Прагмалингвист олим М.Ҳақимов ўз қарашларида иллокутив куч ҳақидаги фикрларини баён этар экан, мазкур тушунчани “ифода имконияти” тарзида беришни маъқул кўради ва шундай ёзади: “Ифода имконияти (иллокутив куч) кўринишларидан бири бу фикр ифодалаш услуби ёки тактикаси ҳисобланади. Сўзловчи ўз ниятини амалга ошириш учун нутқий таъсир этиш усули ёки тактикаси воситаси билан тингловчининг ички руҳияти ёки ички позициясини аниқлаб олади... Бунга кўра сўзловчи коммуникатив ниятини, мақсадларини баён қилиш учун қулай бўлган маълум нутқий вазият юзага келишини кутади, шу маънода иллокутив актни вазият етилиши билан пропозиционал мазмуннинг остига яширади ва ифода этади”.⁹ Олим келтирилган мулоҳазалар орқали нутқий тактикани иллокутив куч билан боғлиқлигини асослаб берган. Аслида *иллокутив мақсад, иллокутив куч, интенция, тағмаъно, тағбилим* каби тушунчалар нутқий тактика ёки нутқий стратегияни амалга оширишда бир майдон ичида бирлашувчи асосий қурол тушунчалар вазифасини ўтайди.

Олим қўллаган “индивидуал стратегия” тушунчаси ҳам диққатга сазовор бўлиб, мазкур тушунча тилшунослигимизда нисбатан янги тушунча ҳисобланади. Унингча, “сўзлаш ва фикрлашни тўғри ифодалаш учун индивидуал стратегия маҳоратига ҳам эга бўлиш лозим”.¹⁰ Бу ўринда гап яна айланиб келиб, сўз устаси ва “суҳбат гули”га айлана олган закий ва оқил суҳбатдошнинг маҳоратигага тақалади. Дарҳақиқат, мулоқотда мақсадга етиш омили сўз орқали экан, ундан қай тарзда фойдаланиш ҳам шахсий, ҳам лисоний, ҳам аклий, ҳам ижтимоий билим ва тажрибаларга асосланади.

Хулоса қилиб айтганда, прагмалингвистик тадқиқотлар кўлами ниҳоясиз бўлиб, у ҳаёт билан, инсонларнинг хоҳиш-иродаси, мақсад ва интилишлари билан чамбарчас боғланган. Мазкур ҳолатларни лисоний тафаккур ва лисоний қобилият орқали амалга ошишини ёритиш эса тилшунослар олдига қизиқарли саёҳатга отланишдек қизгин ва жўшқин ҳайрат ҳиссини бериши шубҳасиздир. Бундай мароқли саёҳатдан бош тортиш асло мумкин эмасдек, назаримизда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати. – Тошкент: Noshir, 2008. – Б. 55.
2. Иссерс О.С. Коммуникативные стратегии и тактика русской речи. – М.: ЛКИ, 2008. – С. 54.
3. Кифер Ф. О роли прагматики в лингвистическом описании // Новое в зарубежной лингвистике. Лингвистическая прагматика. – Вып. XVI. – М.: Прогресс, 1985. – С. 333.
4. Николаева Т.М. Лингвистическая демагогия // Прагматика и проблемы интенциональности. – М., 1988. – С. 154-165.
5. Нурмонов А., Маҳмудов Н, Аҳмедов А, Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 94.
6. Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б. 155.
7. Ҳақимов М. Прагмалингвистик тадқиқотлар тарихи. – Фарғона, 2020. – Б. 130.
8. Ҳақимов М, Газиева М. Прагмалингвистика асослари. – Фарғона, 2020. – Б. 141; 26.
9. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=19084278>. Андреева В.Ю. Коммуникативный саботаж в бытовом дискурсе.

⁹ Ҳақимов М, Газиева М. Прагмалингвистика асослари. – Фарғона, 2020. – Б. 141.

¹⁰ Ҳақимов М, Газиева М. Кўрсатилган асар. – Б. 26.